Стратегия ва таҳлил қўмитаси
Кутубхонаси
Тасдиқловчи муҳр

2006 ЙИЛ, 27 МАРТ, ДУШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 58 (10.615)

Баҳоси эркин нархда

XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси ташаббуси билан «Ўзбекистон Республикасида солиқ маслаҳатини ташкил этиш ва ривожлантириш масалалари» мавзуида семинар ташкил этилди. У мамлакатимизда солиқ маслаҳатчилиги институтининг шаклланиши ва ривожланиши масалалари муҳокамасига бағишланди.

● Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтида «Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги: назария ва амалиёт масалалари» мавзуида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

● Мамлакатимиз Президентининг Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил якунларига бағишлаб ўтказилган мажлисидаги маърузасида тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган устувор вазифалар ҳамда соҳа субъектларига банк хизматидан фойдаланишда яратилган имтиёз ва қулайликларни яна бир бор тушунтириш мақсадида Республика Марказий банкининг Наманган вилоят бошқармасида тадбиркор ва фермерлар билан амалий учрашув ташкил этилди.

● 18-19 март кунлари Германияда сузиш бўйича ўсмирлар ва ёшлар ўртасида ўтказилган анъанавий халқаро турнирда андижонлик 11 ёшли Мафтунабону Тўхтасинова терма жамоамизга тўртта олтин медаль тухфа қилди.

● Гулистон шаҳрида қисқа муддатларда жаҳон андозалари талабларига мос миллий ва замонавий меъморчилик анъаналарини ўзида мужассам этган янги вокзал биноси барпо этилди.

● Шу кунларда САНИИРИнинг Қорақалпоғистон филиали директори, техника фанлари доктори Е.Курбонбоев бошчилигидаги гуруҳ экинларда ҳинд деҳқонлари технологиясини синаб кўришга ҳозирлик кўрмоқда.

● «ЎзДЭУавто» конвейеридан илк ўзбек автомобили чиққанига ўн йил тўлди. Бугунги кунда корхонада «Нексия», «Матиз», «Дамас» ва «Ласетти» енгил автомобиллари ишлаб чиқарилмоқда.

● Пойтахтимиздаги Замонавий санъат марказида «Японияни замонавий плакатлар орқали англа» номли кўргазма очилди.

● Куни кеча Қишлоқ аёлларини қўллаб-қувватлаш маркази ташаббуси билан Қибрай туманида Наврўзи оламга бағишланган ажойиб маданий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

●Ўзбекистон Бадиий академиясининг Қорақалпоғистон бўлими кўргазмалар саройида «Ассалом, Наврўз!» кўргазмаси иш бошлади.

● Яқинда Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси яна бир хайрли ишга қўл урди. Қишлоқларда бадиий гимнастика билан шуғулланаётган қизлар ўртасида мусобақа уюштириб, ғолибларни Германия йўлланмаси билан тақдирлади.

● Жиззахда иқтидорли қизларнинг ўзига хос танлови ўтказилди. «Ҳаёли қиз — маҳалла кўрки» деб номланган ушбу танловда вилоят маданий-маърифий ҳаётида фаол қатнашган қизлар иштирок этишди.

●Тошкент вилояти автотрассасида велоспортнинг шоссе тури бўйича Ўзбекистон очиқ биринчилиги давом этмоқда. Биринчиликда мамлакатимиз спортчиларидан ташқари Қозоғистон ва Россия давлатларидан вакиллар қатнашмоқда.

ЖАҲОНДА

● Ҳиндистон Чой кенгаши Жанубий Осиё минтақавий ҳамкорлик ташкилоти (SAARC) таркибига кирувчи мамлакатларни нафақат минтақада, балки унинг ташқарисида ҳам чой савдоси масалаларини мувофиқлаштириб турадиган ягона Чой кенгашини таъсис этишга чақирди.

●Ҳиндистон Миллий Конгресси етакчиси Соня Ганди депутатлик ваколатларидан воз кечишини маълум қилди. Ганди парламентдан ташқари давлат ташкилотида ҳам ишлаётганлиги ҳақидаги айбловлар пайдо бўлганидан кейин шундай қарорга келди.

●Жанубий Корея Президенти мамлакат Бош вазири лавозимига Хан Мьен Сук хоним номзодини кўрсатди. Хан Мьен Сукнинг номзоди парламент томонидан тасдиқланса, у Жанубий Кореянинг биринчи аёл Бош вазири бўлади.

● Францияда иш берувчи билан ишчи муносабатларини мувофиқлаштирувчи янги қонунга қарши намойишлар давом этмоқда. Кеча намойиш қатнашчиларининг 400 нафардан ортиғи ҳибсга олинди.

● Афинада кўриш қобилияти суст бўлган болалар расмларининг 7-Халқаро кўргазмаси очилди. У халқаро болалар расмлари кўргазмаси маркази ҳамда Греция соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ҳимоя вазирлиги томонидан ташкил этилди.

● Янги дорини синовдан ўтказаётган 3 фуқаро оғир аҳволда Лондон шифохоналаридан бирига ётқизилди. Даволовчи шифокорларнинг айтишича, беморларнинг ички органларида жиддий салбий ўзгаришлар юз берган.

●Россиялик математик олим Владимир Шайдуровнинг фикрича, дунё бўйича иқлим бирданига исиб кетишига Тунгус метеорити сабабчи бўлиши мумкин. Олимнинг таъкидлашича, бундан деярли бир аср аввал юз берган бу ҳодиса кумушранг фазодаги кумушранг булутлар қатламига заҳа етказган, натижада заминга тушаётган Қуёш нурлари миқдори ўзгарган.

●Хитойнинг кадрлар топиб берувчи фирмаси фақат ит йилида туғилган шахсларни ишга чақириши ҳақида эълон берди. Фирманинг айтишича, Шарқ тақвимига кўра ушбу белги остида туғилганлар содиқлиги билан ажралиб туради.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

Қисқа сатрларда

● **БУГУН** Миробод туманидаги «Толарик» маҳалласида Наврўзи олам муносабати билан тадбир уюштирилиб, дошқозонларда сумалак тайёрланди.

● **БУГУН** Юнусобод туманидаги Шукур Мансурхўжаев маҳалласида туман хотин-қизлар қўмитаси, «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ҳамкорликларида Наврўз сайли уюштирилди.

● **БУГУН** Сергели туманидаги «Гулистон» маҳалласида туман хотин-қизлар қўмитаси ҳамда «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ҳамкорликларида маҳалла фаоллари, ёшлар иштирокида ўтказилган давра суҳбати «Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди» деб номланди.

● **БУГУН** Мирзо Улуғбек туманидаги «Оққўрғон» маҳалласида яшовчи туғиш ёшидаги аёллар, ногиронлар ва кам таъминланган оилалар аъзолари туман хотин-қизлар қўмитаси, «Соғлом авлод учун» жамғармасининг туман таянч маскани ҳамкорликларида тиббий кўрикдан ўтказилди.

● **БУГУН** Шайхонтоҳур туманидаги «Белтепа» болалар спорт мажмуасида туман ички ишлар бўлими профилактик ҳисобда турувчи вояга етмаган ёшлар ўртасида «Камолот» ЁИҲ ҳамда Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг туман бўлимлари ҳамкорликларида шахмат, шашка, футбол, баскетбол, волейбол бўйича мусобақа ўтказилди.

● **БЕКТЕМИР** туман ҳокимлиги, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон-либерал демократик партияси туман Кенгаши «Аёллар қаноти» ҳамкорликларида Наврўз байрами муносабати билан тумандаги кам таъминланган оила фарзандларининг 20 нафарининг суннат тўйи ўтказилиб, уларнинг ҳар бирига 20 минг сўм маблағ қўйилган омонат дафтарчалари топширилди.

● **БУГУН** «Камолот» ЁИҲ Собир Раҳимов туман бўлими ташаббуси билан ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида уюштирилган кўрик-танлов «Энг яхши хонаки гул» деб номланди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ЁИҲ ва Тошкент ахборот технологиялари университети ҳамкорликларида 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни арафасида ёшлар ўртасида «Интернет» фестивали ўтказилган эди. **ЎТГАН** куни ушбу фестиваль ғолибларини тақдирлаш маросими уюштирилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

КИЕВДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ УКРАИНАДАГИ ЭЛЧИСИ ИЛҲОМ ҲАЙДАРОВ УКРАИНА ПРЕЗИДЕНТИ ВИКТОР ЮЩЕНКОГА ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИНИ ТОПШИРДИ.

Бўлиб ўтган мулоқот чоғида В.Ющенко И.Ҳайдаровга янги лавозимдаги ишларига муваффақиятлар тилади ҳамда Ўзбекистон ва Украина ҳамкорлиги барча йўналишларда ривож топишига ишонч билдирди.

«Жаҳон» АА

АВВАЛ ХАБАР БЕРГАНИМИЗДЕК, ПОЙТАХТИМИЗДАГИ «ЎЗКЎРГАЗМАСАВДО» МАЖМУИДА БОШЛАНГАН «ТАШАББУС-2006» КЎРИК-ТАНЛОВИ РЕСПУБЛИКА БОСҚИЧИНИНГ ҒОЛИБ ВА СОВРИНДОРЛАРИНИ ТАҚДИРЛАШ МАРОСИМИ «ТУРКИСТОН» САРОЙИДА ЎТКАЗИЛДИ.





«Ташаббус — 2006»



ҒОЛИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти совғаси учун ўтказиб келинаётган анъанавий «Ташаббус» кўрик-танлови бу йил ўзига хос тарзда ташкил этилди. Икки кун давомида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан келган ғолиблар, яъни тадбиркор, фермер ва ҳунармандлар ўзаро беллашдилар. Нуфузли ҳакамлар ҳайъати аъзолари томонидан ғолиб ва совриндорларни аниқлашга, уларнинг фаолиятларини баҳолашга алоҳида эътибор қаратилди. Албатта, ҳакамлар ҳайъати учун бу осон кечгани йўқ.

Ниҳоят, пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида бўлиб ўтган тақдирлаш маросимида ғолиб ва совриндорлар ўз баҳоларини олишга муваффақ бўлишди. Унга кўра Бухоро шаҳридаги «Шаҳбоз-Шаҳром» хусусий ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари Муҳаббат Тешаева «Энг яхши тадбиркор», Тошкент вилояти Тошкент туманидаги «Тўхтаниёз ота» фермер хўжалиги раҳбари Мухтор Тўхтаниёзов «Энг яхши фермер», Шаҳрисабз туманилик Гулнора Одилова «Энг яхши ҳунарманд» номинацияси бўйича ғолибликни қўлга киритди. Уларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг совғаси — «Матиз» автомобилларининг калитлари топширилди. Шунингдек, иккинчи ва учинчи ўрин соҳиблари ва бир қанча номинациялар бўйича совриндорларга ҳам қимматбаҳо совғалар насиб этди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари А.Орипов иштирок этди.

(Ўз мухбиримиз)

СУРАТЛАРДА: кўрик-танловдан лавҳалар.

28 МАРТ КУНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИГА ДАВЛАТ ТАШРИФИ БОШЛАНАДИ. ИККИ ДАВЛАТ МУНОСАБАТЛАРИ ТАРИХИДАГИ УШБУ МУҲИМ ВОҚЕА АРАФАСИДА КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ФАВҚУЛОДДА ВА МУХТОР ЭЛЧИСИ МУН ХАЁНГ «ЖАҲОН» АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ МУХБИРИ САВОЛЛАРИГА ЖАВОБ БЕРДИ.

ДЎСТЛИК, ШЕРИКЛИК ВА ЎЗАРО ҲУРМАТ МУНОСАБАТЛАРИ

— Жаноб элчи, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик даражасини қандай баҳолайсиз?

— Даставвал, халқларимиз ўртасидаги ҳамкорлик VII асрда бошланганини таъкидлаш лозим. Айнан шу даврда Кореянинг қадимги Когурё киролиги ўз элчисини Сўғд давлатига ўзаро дипломатик ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани тузиш мақсадида юборган. Ҳозирги кундаги ҳамкорлик тўғрисида сўз юритадиган бўлсак, мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар Ўзбекистон мустақил давлат бўлгандан сўнг ўрнатилган. Шу пайтдан бошлаб ўзаро ҳамкорлик сиёсат, иқтисодиёт, савдо, сармоя жойлаштириш, маданият ва консуллик муносабатлари соҳаларида изчил ривожланмоқда. Бунга далил сифатида Ўзбекистон иқтисодиётидаги Корея сармоялари умумий ҳажми 1 миллиард АҚШ долларидан зиёд маблағни ташкил этганини айтиш мумкин. Бу эса бизга республикангизнинг биринчи даражали сармоядорлари мақомини берди. Шу ўринда «ЎзДЭУавто», «Ўзбек Кабул Со.», «Шиндонг» ва бошқа кўплаб компанияларни мисол тариқасида келтириш мумкин. Шунингдек, биз Ўзбекистондаги ахборот технологиялари ва транспорт коммуникациялари бозорини ривожлантиришга ҳам ўз ҳиссамизни қўшдик.

Корея Ўзбекистонга EDCF (Иқтисодий ривожлантириш ҳамкорлиги жамғармаси) дастури доирасида 77 миллион АҚШ доллари миқдорида қарз ажратди ва айни пайтда 30 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағни республика таълим муассасаларини жиҳозлаш лойиҳаси доирасида ажратишни режалаштирмоқда. Шу билан бирга KOICA агентлиги, Хорижий таълим маркази, Кореянинг бошқа таълим муассасалари ўзбек талаба ва мутахассисларига Корея Республикасида ўтказилаётган семинар ва таълим дастурларида иштирок этиш учун кенг имкониятлар яратмоқда. Ҳозир Ўзбекистоннинг 16 мингга яқин фуқароси Кореянинг технологик ривожланиш ва тадбиркорлик соҳаларидаги тажрибасини ўрганмоқдалар.

(Давоми 2-бетда)

МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КЕНГАШ ЙИҒИЛИШИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА КОМПЬЮТЕРЛАШТИРИШ ВА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КЕНГАШНИНГ НАВБАТДАГИ ЙИҒИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА ВАЗИРЛИКЛАР, ИДОРАЛАР, ЖОЙЛАРДАГИ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ИШТИРОК ЭТДИ.

Кенгаш аъзолари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 июлдаги «Ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини муҳокама қилди. Йиғилишда ушбу қарорнинг бажарилиши бўйича асосий натижалар кўриб чиқилди, вазирликлар, идоралар ва жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг фаолияти танқидий таҳлил қилинди. «Ўзинфоком» маркази томонидан Интернет тармоғида давлатимиз ҳаётининг турли томонларини ёритишга бағишланган қатор ахборот порталлари ва веб-сайтлар ишлаб чиқилди.

Айрим вазирлик ва идораларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур қарорида белгиланган мақсадли йўналишларнинг сифатли ва ўз вақтида бажарилишини таъминлаш вазифаси топширилди. Мувофиқлаштирувчи кенгаш қарорига кўра ишлаб чиқилган таълим ресурслари, соғлиқни сақлаш, спорт, маданият ва санъат сайтлари ҳамда порталлари каби ахборот ресурслари, шунингдек, энциклопедия ва бошқа ресурслар масъул вазирлик ва идораларга уларни келгусида қўллаб-қувватлаш ҳамда мунтазам янгилаш учун топширилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси вазирликлари корпоратив тармоқларининг ахборот хавфсизлиги мониторинги натижалари таҳлил қилинди. Барча вазирликлар бўйича ўтказилган таҳлил уларнинг ўз ахборот тизимлари ва ресурсларини ҳимоя қилишни таъминлаш борасидаги ишларида ягона ёндашув йўқлигини кўрсатди.

Вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлигига ўзларининг ахборот-коммуникация тизимлари ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича олдиндан чора кўриш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш вазифаси топширилди.

Шунингдек, Мувофиқлаштирувчи кенгаш ишчи гуруҳларининг ҳисоботлари тингланди ва уларнинг фаолияти самарадорлигини оширишга оид қўшимча чоралар қабул қилинди.

ЎзА

Сенатор сўз сўрайди

ХАЛҚ ВАКОЛАТИ — ЮКСАК МАСЪУЛИЯТ

МАЪЛУМКИ, ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ, КОНСТИТУЦИЯМИЗГА МУВОФИҚ, ҚОНУН ЧИҚАРУВЧИ, ИЖРО ЭТУВЧИ ВА СУД ҲОКИМИЯТИ ТАРМОҚЛАРИГА БЎЛИНАДИ. ҲОКИМИЯТНИНГ БАРЧА ТАРМОҚЛАРИДА ТУБ ИСЛОҲОТЛАР АМАЛГА ОШИРИБ КЕЛИНМОҚДА. ЖУМЛАДАН, ҚОНУН ЧИҚАРУВЧИ ҲОКИМИЯТ ИККИ ПАЛАТАЛИ ПАРЛАМЕНТ ТИЗИМИГА ЎТДИ ҲАМДА ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ ЯРАТИЛДИ. ЯНГИЛАНГАН ПАРЛАМЕНТ ТИЗИМИ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА, МУКАММАЛ ҚОНУНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШДА ЎЗИНИНГ ИЖОБИЙ ТОМОНЛАРИНИ КЎРСАТА БОШЛАДИ. ПРЕЗИДЕНТИМИЗ СЕНАТНИНГ БЕШИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИДА ТАЪКИДЛАГАНЛАРИДЕК, "СЕНАТ ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИ ЖАРАЁНИДА ЎЗИГА МУНОСИБ ЎРИННИ ЭГАЛЛАБ БОРМОҚДА, БУ ТУЗИЛМА ЎЗИНИ МАМЛАКАТИМИЗ ОЛИЙ ҚОНУНЧИЛИК ОРГАНИНИНГ ЮҚОРИ ПАЛАТАСИ СИФАТИДА ЗАРУР ЭКАНИНИ ЯНА БИР КАРРА ИСБОТЛАДИ".

Парламент муҳим ижтимоий институтлардан бири сифатида жамият ва давлат тараққиётининг йўналишлари, халқ билан давлат ҳокимиятининг ошкора мулоқотини таъминлаш, улар билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш усуллари ва воситаларини танлашга хизмат қилади. Давлат ҳокимияти тизимида қонун чиқарувчи органнинг роли ўз мустақиллигини англаб етган, ўзини мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётининг одатий оқимини ўзгартиришга қодир, халқ номидан иш кўриш учун ўз овози ҳамда қўллаб-қувватланиши етарли деб ҳисобланишига даъвогарлик қиладиган сиёсий кучларнинг пайдо бўлиши билан тобора ортиб боради.

Ўзбекистон Республикасининг давлат ҳокимиятини амалга оширишда парламентаризм принципларини жорий этиш, парламентаризмга хос бунёдкорликка асосланган жаҳон амалиётини ўрганиш ва умумлаштириш жуда муҳимдир. Бу борада мамлакатда демократик салоҳиятни жамлаш жараёни кечаётганлиги, ушбу жараённи асло сунъий равишда жадаллаштириб бўлмаслиги, мамлакатимизда парламентаризм ва демократиянинг айнан шундай ривожи учун шарт-шароит яратаётган кўплаб омилларни ҳисобга олиш зарурлигини эътибордан қочирмаслик лозим. Айни пайтда бу йўлда ҳал қилиниши лозим бўлган вазифаларни кўра билиш, уларни ҳал қилиш усуллари ва йўлларини тўғри танлай олиш ҳам муҳимдир. Шу муносабат билан мамлакатимиз Президенти И.Каримовнинг Олий Мажлис Сенатининг бешинчи ялпи мажлисида сўзлаган маърузаси ҳаммада катта қизиқиш уйғотди. Маърузада Сенатнинг мамлакат ижтимоий ва сиёсий ҳаётида тутган ўрнига, унинг самарадорлигини оширишга катта аҳамият берилди. Президентимиз таъкидлаганидек, Сенат аъзоларининг аксарият қисми маҳаллий Кенгаш депутатлари ҳисобланади. Улар ўзларининг иш фаолиятидан ажралмаган ҳолда Сенат аъзоси сифатидаги вазифаларини ҳам бажаради. Бу эса Сенат фаолиятига жойлардаги муаммолар, аҳоли кайфияти, маҳаллий Кенгашлар томонидан амалга оширилаётган ишлар руҳини сингдиришда, маҳаллий Кенгашлар билан Сенат ўртасидаги ҳамкорликни йўлга қўйишда имкон яратади. Аммо, очиқ айтиш керак, улар бундай имкониятдан тўлиқ фойдалана олаётганлари йўқ. Аслини олганда, маҳаллий Кенгаш аъзоси бўлган ҳар бир сенатор маҳаллий Кенгашдаги фаолиятида Сенатнинг ваколатли вакили, Сенатдаги фаолиятида эса маҳаллий Кенгашнинг вакили эканлигини ҳис қилиши ва шунга яраша фаолият юритиши лозим.

Таъкидлаш жоизки, қонун чиқариш ҳокимиятининг самарадорлиги кўп жиҳатдан юқори ва қуйи палата ўртасидаги муносабатлар характерига боғлиқ. Конституциямизда ва қонунларда Қонунчилик палатаси ва Сенат ўртасидаги ўзаро муносабатлар батафсил тартибга солинган. Бинобарин, ўзаро ҳамкорлик учун ҳуқуқий майдон мавжуд. Бироқ уларни қўллаш амалиёти энди-энди шаклланмоқда. Қуйи палатанинг ҳам, юқори палатанинг ҳам баъзи аъзоларида ўз маҳкамаси нуфузини юқори қўйиш, унинг алоҳида манфаатларини қўллаб-қувватлаш кайфиятларидан тўлиқ воз кечилгани йўқ. Юртбошимиз бундай ёндашувнинг хато эканлигини, ҳар икки палата бир-бирининг ишини такрорламасдан, бир-бирларининг камчилигини ўзаро бартараф этган ҳолда, ягона қонун чиқарувчи ҳокимият сифатида фаолият кўрсатиши шартлигини таъкидлади. Ҳар икки палатада ўзаро кибру ҳаво, манманлик кайфияти бўлмаслиги, аксинча, принципиал позицияларда турган ҳолда ишчанлик ва ҳамкорлик муҳити яратилиши лозим.

Қонунларни ишлаб чиқиш жуда мураккаб жараён ҳисобланади. Баъзан бир ишчи гуруҳининг ўзида бир норма бўйича турлича нуқтаи назарлар ва ҳатто бир-бирига зид ечимлар муқобиллиги мавжуд бўлади. Бундай вазиятда энг мақбул ечимни топиш қизғин баҳс ва мунозаралар орқали рўй беради. Шу маънода, қуйи ва юқори палаталар ўртасида айнан бир муаммо бўйича алоҳида-алоҳида нуқтаи-назарлар мавжуд бўлиши табиий ҳолдир. Бундай вазиятда ҳар бир томон ўз фикрини ҳимоя қилиши, бошқа тарафнинг далил-исботини ҳисобга олмаслиги тарафлар ўртасида муросасизлик ҳолатини вужудга келтириши мумкин. Бундай ҳолатларни бартараф этиш, олдини олиш мақсадида тарафлар ўртасида келиб чиқадиган баҳс-мунозараларни ҳал этиш вазифаси юклатилган Мувофиқлаштирувчи Кенгаш фаолиятига катта умид боғлаш ўринлидир.

Мамлакатимизда икки палатали парламент ўз фаолиятини бошлаганига бир йилдан сал кўпроқ вақт ўтди. Албатта, тарих учун бу жуда оз фурсат. Бироқ шу даврнинг ўзи парламентнинг қуйи ва юқори палаталари олиб борган фаолиятини сарҳисоб қилишга, қандай натижаларга эришганлиги хусусида мулоҳаза юритиш учун асос бўла олади.

Сенат ўз фаолияти давомида эса ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш учун муҳим аҳамиятга эга 38 та қонунни кўриб чиқди. Бешта қонун Қонунчилик палатасига қайта ишлаш учун қайтарилди. Сенат ва Қонунчилик палатаси томонидан Бош вазир номзоди кўриб чиқилди ва тасдиқланди. Сенат томонидан Бош прокурор ва унинг ўринбосарларини тайинлаш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари тасдиқланди. Конституциявий Суд, Олий суд, Олий Хўжалик суди таркибига ўзгартиришлар киритилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистоннинг бир қатор давлатлардаги Фавқулодда ва Мухтор элчилари лавозимларига тайинланди ҳамда озод этилди. Чет давлатлар билан ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги шартномалар ратификация қилинди. Биринчи марта Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинганлигининг 13 йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида қарор қабул қилинди. Бундан ташқари, юқори палата томонидан қонунлар ижросини назорат қилиш, қонун устуворлигини таъминлаш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш масалаларига оид вазифалар амалга оширилди.

Айтиш жоизки, сенаторлар ҳар бир қонун моҳиятини чуқур англаб етишга ҳаракат қиладилар. Аммо, шу билан бирга, Сенат фаолиятида унинг олий қонунчилик органи сифатида эндигина шаклланиб бораётганлиги, ҳали тажрибанинг етарли даражада эмаслиги сабабли бир қатор камчиликларга ҳам йўл қўйилди. Бу камчиликлар, Сенатнинг бешинчи ялпи мажлисида давлатимиз раҳбари таъкидлаганларидек, маҳаллий Кенгашлар депутатлари корпуси билан узвий алоқанинг таъминланмаганлигида, улар билан ҳозиргача самарали ҳамкорлик йўлга қўйилмаганлигида намоён бўлди. Сенатнинг Ўзбекистон Конституциясининг 80-моддасида мустаҳкамланган мутлақ ваколатларидан етарли даражада фойдаланмаётганлиги Сенат ўзининг назорат функциясини тўлиқ амалга оширолмаганлиги, икки палата ўртасида ҳамкорлик яхши йўлга қўйилмаганлигида яққол кўзга ташланади.

Маълумки, Олий Мажлис Сенати қуйи палата қабул қилган қонунларни маъқуллаши ёки рад этиши мумкин. Шундай қилиб, қуйи палата қабул қилган қонунлар, таъбир жоиз бўлса, мазкур қонунларни ижро этиши ва уларга амал қилиши лозим бўлган шахсларнинг экспертизасидан ўтади. Бу билан мазкур қонунларда маҳаллий ва ҳудудий манфаатлар қай даражада эътиборга олинганлигини таъкидлаш билан бирга, уларнинг ҳаётий талаб ва эҳтиёжларига мувофиқлиги, маҳаллий шароитларда уларни амалга ошириш имконияти нуқтаи назаридан ҳам баҳо берилади. Амалиёт талабларига баъзан жавоб бермайдиган қонунлар йўлида бундай "тозаловчи восита"ни ўрнатиш қонун ижодкорлиги жараёни учун бениҳоя муҳимдир.

Ўзбекистон парламент амалиётида, назорат фаолиятининг юқорида келтирилган шакллари билан бир қаторда, парламент ваколатларига кирувчи масалалар юзасидан парламент тингловлари ҳамда муҳим ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга ҳодисаларни чуқур ва пухта текширишга йўналтирилган парламент тафтишлари сингари назорат шакллари ҳам катта аҳамиятга эга. Шунингдек, қонунлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ижроси устидан парламент назорати шакллари тўғрисидаги қоидаларига ҳам аниқлик киритиш зарур. Бунинг учун бюджет маблағларининг сарфланиши устидан назоратни амалга оширадиган, ижро этувчи ҳокимият органларидан мустақил бўлган органларни тузиш масаласини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Қонун чиқариш ҳокимияти ҳукумат томонидан тайёр қонун лойиҳалари тақдим этилишини кутиб турмаслик керак. Қуйи палата ҳам, юқори палата ҳам ўз имкониятлари доирасида долзарб масалаларни доимий равишда ўрганиб бориши, синчиклаб таҳлил этиши мақсадга мувофиқдир. Бошқача айтганда, қонун лойиҳалари фақат битта йўналиш бўйича — "Ҳукумат — Қонунчилик палатаси — Сенат — Президент" схемаси асосида кетади, деган жўн тасаввурдан воз кечиш керак. Ушбу камчиликларни бартараф этиш учун сенаторлар ўз фаолияти йўналишларини қайтадан кўриб чиқиши, ўзларига берилган ишонч ва масъулиятни тўлиқ ҳис қилиши, ўз ваколатларидан тўғри ва оқилона фойдаланиши ҳамда фаолият самарадорлигини ошириш мақсадида қуйидаги масалаларга асосий эътиборларини қаратишлари лозим. Жумладан, ҳаммамизга маълумки, Сенат мамлакат ҳудудий манфаатини ҳимоя этадиган олий вакиллик органидир. Сенаторларнинг асосий қисми халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари томонидан сайланган, уларга ҳисоб бериши керак. Шу сабабдан, Сенатнинг маҳаллий Кенгашлар билан ўзаро ҳамкорлиги, уни амалга ошириш механизми тубдан қайта кўриб чиқилиши лозим. Бу ҳамкорлик аниқ белгиланган режа ва дастурлар асосида ҳудудий муаммоларни ҳал этишга қаратилган ҳолда йўлга қўйилиши мумкин. Сенаторларнинг ташаббускорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Парламент фаолиятига оид хорижий мамлакатлар тажрибаси кенг тадқиқ қилинди. Аммо ўзбек давлатчилигига оид, халқнинг менталитети, ижтимоий кайфияти билан боғлиқ омиллар ва парламентаризм принциплари орасидаги муносабатларга доир илмий-тадқиқотлар, айниқса, Сенат фаолиятининг ҳуқуқий базасини такомиллаштиришга оид илмий қарашлар деярли йўқ ҳисоби. Оммавий ахборот воситаларида давлат арбоблари, фан ва илмий салоҳият соҳиблари у ёқда турсин, ҳатто Сенат аъзоларининг ҳам чиқишлари кўринмайди. Сенат фаолиятида ўзаро танқид, сенат аъзоларининг ҳамкорлик шакли каби тушунчалар, Сенатнинг таркибий тузилмаларида ўзаро муносабатлар тўлиқ ўрганилиши ва илмий тадқиқ этилиши лозим.

Шунингдек, Сенат мамлакатимиз ва халқимиз ҳаёти учун муҳим бўлган иқтисодиёт, экология, ишсизлик, суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш каби муаммоларни ҳал этишга қаратилган ваколатларидан тўлиқ фойдаланмади. Тегишли вазирлик ва давлат идораларининг бу муаммолар бўйича ҳисоботларини эшитиш, муҳокама қилиш яхши йўлга қўйилмади. Сенат ваколатларини амалга ошириш механизми, унинг ҳуқуқий асосларини яратиш Сенат олдидаги биринчи вазифа бўлиб турибди. Сенат фаолиятида эса мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий, сиёсий соҳаларидаги муаммолар, қонунчиликни такомиллаштириш масалаларига бағишланган давра суҳбатларини ташкил этишни йўлга қўйишга жиддий эътибор қаратиш зарур. Чунки энг муҳим долзарб муаммолар фикрлар хилма-хиллиги ва эркинлиги асосида ташкил этилган ана шу анжуманларда ўз ечимини топади.

Бундан ташқари, Сенатнинг назорат функцияси самарадорлигини ошириш керак. Сенат қабул қилинган қонунларнинг бажарилишини назорат қилибгина қолмасдан, айни пайтда ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг қайси жабҳаларини тартибга солишга оид қонунлар ҳуқуқий заминида бўшлиқ мавжудлигини аниқлаши, ҳаракатдаги қонун нормаларининг амалиётда ижобий натижа бермаётганлигини аниқлаш ва бу масалаларни ечиш чора-тадбирларини кўриши керак. Давлат ҳокимияти органлари ва идораларининг мавжуд муаммоларга бўлган муносабатини таҳлил қилиш, муаммонинг юзага келиш омиллари ва сабабларини таҳлил этиш, мутахассислар фикрини ҳисобга олиш ҳамда улар ечими бўйича тегишли қарорлар қабул қилиш лозим.

Сенат томонидан қабул қилинадиган қонунларнинг амалиётдаги ижроси бевосита аҳоли кайфиятига, унинг ҳуқуқий онги ва маданияти даражасига боғлиқ. Аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданияти қанчалик юқори бўлса, қонунларнинг амалиётдаги ижроси ҳам шу даражада мукаммал бўлади. Шу сабабдан, Сенат аъзолари аҳоли ўртасида кенг тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориши лозим. Улар корхона, муассаса ва ташкилотларда, маҳаллаларда кенг жамоатчиликни мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг моҳияти, Олий Мажлис томонидан қабул қилинаётган қонунларнинг мазмуни, уларнинг асосий мақсади халқ фаровонлигини яхшилашга хизмат қилишдан иборат эканлиги, ҳукумат қарорларининг аҳоли турмуш тарзини яхшилашга, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилганлигини мунтазам тушунтириб боришлари керак. Тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришда телевидение, радио ва матбуотдан унумли фойдаланиш зарур. Қолаверса, сенаторлар ўз фаолиятининг асосий йўналишларидан бири сифатида жиноятчиликнинг олдини олиш вазифасини амалга ошириши лозим. Сир эмаски, жамиятимизда гиёвандлик, фоҳишабозлик, аёллар жиноятчилиги, ўғрилик ва бошқа турдаги оғир жиноятлар анча кўп содир этилмоқда. Ушбу жиноятларнинг содир этилиши сабабларини чуқур таҳлил қилиш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда бу салбий иллатларни йўқотиш чора-тадбирлари тўғрисида бош қотириш керак.

Сенат фаолиятини самарали ташкил қилиш, аввалambор, сенаторларнинг ҳар бирига улкан масъулият юклайди. Ушбу масъулият даражаси Сенатнинг давлат ҳокимият тизимидан қанчалик мустаҳкам ўрин олишида, унинг давлат ва жамият олдидаги хизматида намоён бўлади. Ўйлаймизки, бундай масъулиятли ва шарафли ном учун барча Сенат аъзолари баҳамжиҳат фаоллик кўрсатади.

Мирзаюсуф РУСТАМБОЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси.

ДЎСТЛИК, ШЕРИКЛИК ВА ЎЗАРО ҲУРМАТ МУНОСАБАТЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

МДҲ мамлакатлари ўртасида савдо ҳажми бўйича тўртинчи ҳамкор мақомини эгаллаб келаётган Ўзбекистон Корея Республикаси учун муҳим роль ўйнайди. Айни пайтда Корея Республикаси мамлакатингиз ҳамкорлари сафидан бешинчи ўринни эгаллайди, икки томонлама товар айирбошлаш умумий ҳажми эса 520 миллион АҚШ долларини ташкил этади.

Шу кунларда Ўзбекистонда 138 қўшма корхона ва 37 Корея компаниялари ваколатхоналари мавжуд. Икки мамлакат ўртасида рақобатбардош товарларни ишлаб чиқариш қувватларида қўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда. Мисол учун, Корея товарлари маиший электрон жиҳозлар ишлаб чиқариш бозорида маҳсулот умумий ҳажмининг 80 фоизини ташкил этади.

Сўнгги пайтларда икки томонлама савдо кўламининг барқарор ўсиши кузатилаётганини таъкидлашни истардим. Масалан, 2002 йилда у 280 миллион АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2003 йили 14 фоизга ошиб 326 миллион долларга етди. 2004 йилда эса 34 фоизга ўсди ва унинг миқдори 437 миллион долларни ташкил этди. Ўтган 2005 йилда 520 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулот айирбошлашга эришдик.

Маданият соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида сўз борганда, шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон халқи Корея маданиятини, хусусан, «Қиш сонатаси» ва бошқа телесериалларимиз орқали севиб улгурди. Бизнинг халқларимиз ушбу фильмлар қаҳрамонлари кечинмаларини биргаликда ҳис қилишади ва бу эса халқларимиз ҳис-туйғулари муштараклигидан далолат беради. Бундан ташқари, Ўзбекистонда мамлакатларимиз ўртасидаги икки томонлама муносабатларни ҳаракатга келтириш ва ўзаро яхши тушунишда муҳим ўрин тутаётган 200 мингдан зиёд корейс миллати диаспораси яшайди.

— Сизнинг фикрингизча, ҳамкорликнинг қайси йўналишлари янада муҳимроқ ва истиқболлироқ ҳисобланади?

— Сўнгги йилларда Корея Республикаси ҳукумати заҳираларни энергетика дипломатиясига алоҳида эътибор бермоқда. Ўзбекистоннинг уран, олтин, кумуш, нефть, газ ва бошқа табиий заҳираларини эътиборга олган ҳолда, биз энергетика ва заҳралар соҳасини икки томонлама манфаатли ҳамкорликнинг энг истиқболли йўналиши деб ҳисоблаймиз. Жанубий Корея технологияси ва молиявий салоҳиятини Ўзбекистоннинг табиий заҳираси ва ишчи кучлари билан уйғунлаштирса икки томонлама ҳамкорликнинг барқарор тараққиётига ва унинг янги сифатли даражасига ўтишига хизмат қилади.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатларимиз савдо ва сармоялар жойлаштириш соҳаларидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш учун барча имкониятларни сафарбар қилмоқда. Давлатларимиз саъй-ҳаракатларни бирлаштириш орқали Шимолий-Шарқий Осиё, Россия ва Европа ўртасида кўприк вазифасини ўтайди, бу эса иқтисодиётимизга ижобий таъсир этиш баробарида бутун дунё иқтисодиёти ривожига ҳам сезиларли ҳиссасини қўшади.

Автомобилсозлик соҳасидаги ҳамкорлик ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Шу боис автомобиль эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган янги қўшма корхоналар барпо этиш давом эттирилади. Корея Республикаси нафақат автомобилсозлик ва тўқимачилик саноатида икки томонлама алоқаларни сезиларли даражада кенгайтириш, балки замонавий юқори технологиялар воситасида ишлаб чиқариш ва ахборот технологияларни татбиқ этишга қатъий бел боғлаган.

— Жанубий Корея томони Ўзбекистон Республикаси Президентининг Корея Республикасига ташрифидан нималарни кутмоқда. Сеулда бўлиб ўтадиган икки мамлакат раҳбарлари учрашуви чоғида қандай масалалар муҳокама қилинади?

— 2005 йил майида Корея Республикаси Президенти Но Му Хён Ўзбекистон Республикасига давлат ташрифи билан келган. Ушбу ташриф икки томонлама ҳамкорликнинг нафақат сиёсий, балки иқтисодий, маданий, ижтимоий соҳаларидаги ривожланишида муҳим омил бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Корея Республикасига бўлажак ташрифи стратегик шериклигимиз ва ҳар томонлама ҳамкорлигимизни узоқ йиллар давомида янада мустаҳкамлайди.

Икки мамлакат раҳбарлари учрашуви чоғида турли ўзаро манфаатли, хусусан, маданий алмашув соҳасидаги ҳамкорлик, аҳоли бандлиги, заҳиралар ва энергетикага оид масалалар юзасидан фикр алмашиш ва стратегик шериклик тўғрисидаги қўшма ҳужжатни имзолаш режалаштирилмоқда.

Ўзбекистон бизнес-доиралари вакилларининг кўп сонли ҳайъати Корея Республикасининг энг нуфузли ва муваффақиятли фаолият кўрсатаётган компания ва корпорациялари, хусусан «Hyndai group» LG, «Samsung», пўлат қуювчи POSCO концерни раҳбарлари билан учрашиш, фойдали ва истиқболли шартномалар тузиш ҳамда Жанубий Корея бизнеси вакиллари билан мустаҳкам ва узоқ муддатли алоқалар ўрнатиш имконига эга бўлади.

Ишончим комилки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Корея Республикасига бўлажак ташрифи мавжуд дўстлик, шериклик ва ўзаро ҳурмат муносабатларини жадаллик билан ривожлантиришга шароит яратиб, мамлакатларимизга икки томонлама ҳамкорлик тарихида янги саҳифа очишга имкон яратади.

«Жаҳон» АА.

СИРЛИ ОЛАМ

Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари маълумотлари асосида тайёрланди

● Инсоннинг қанча кўп дўсти бўлса, у шунча узоқ умр кўради. Австралиялик олимлар кўп йиллик изланишлардан сўнг шундай қарорга келишган. Олимларнинг бундай хулосалари асосан ёши улуғ кишилар учун қаратилгани айтилади. 1,5 мингдан зиёд 70 ёш ва ундан катталарда ўтказилган синовда маълум бўлганки, дўсти кўп қариялар кўп йил яшашга муваффақ бўлишар экан.

● Ҳозир дунёнинг етти мамлакатида оммавий ахборот воситалари музейлари фаолият кўрсатмоқда. Бундай музейлардан яна бири Кореяда ташкил топди. Бу ерда 10 мингдан ортиқ экспонат намойиш қилинмоқда. «Газета тарихи», «Муҳим текширувлар», «Медиа тарихи» деган заллари эса нодир экспонатларга бой. Улар жаҳон матбуотининг тарихи ва бугунига доир маълумотлар ҳақида ҳикоя қилади. «Медиа» зали музейга келувчиларда катта қизиқиш уйғотади. Бу ерда учта катта экран ўрнатилган бўлиб, улар орқали ҳаттоки бугунги нашрларгина эмас, балки 2050 йилда чиқарилиши кўзда тутилган газеталарнинг андозалари лойиҳалари ҳам тасвирлаб берилади.

● 1 июнь қандай кун? Дарҳол хаёлингизга «Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни» деган фикр келган бўлса ажаб эмас. Тўғри, лекин бу кун Бенин вилоятида «Дарахтлар куни» ҳам экан. Хўш, шу куни одамлар нима иш билан шуғулланишади? Ўз-ўзидан маълумки, кўчат экиш билан-да. Африканинг жазирама иссиғида соянинг қадрига етган ҳар бир инсон, албатта, кўчат ўтказиш билан машғул бўлади.

● Аксарият европалик аёллар кўпроқ италиялик эркакларга ҳавас қилишларини, уларни ўз орзуларидаги чинакам эркак деб ҳисоблашларини яширмайдилар. Аёлларга бўлган ҳурмат-эҳтиром борасида уларга тенг келадигани йўқ, деб ўйлайдилар. Шунингдек, улар оилапарварлик борасида ҳам бошқа эркакларга қараганда анча устун деб ҳисоблайдилар. Бироқ, италиялик аёллар бу ҳақда бошқачароқ фикрдалар. Улар ўз эрларида иккита ярамас қусур борлигини тан олишган. Ўша қусурлардан бири футболга бўлган қизиқишдир. Футбол трансляцияси бошландими, бўлди, барча эркакларнинг нигоҳи яшил майдонга қадаларкан. Диванга узала тушган италиялик эркакларнинг жисму тани бамисоли ўша ерга кўчармиш. Иккинчи нуқсонлари эса ўта зиқналикларида. Хотинларнинг кунлик сарф-харажатлари учун арзимаган пул ажратиб, қолганини банкда сақлашни маъқул кўришаркан. Улардаги зиқналик нафақат совға-саломлар, балки рўзғорда ҳам кўзга ташланармиш. Бир сўз билан айтганда, европалик аёлларга қараганда, апенинлик аёллар ўз жуфтларига хайрихоҳлик билдирмаётган кўринади. Ҳа, ишқ бошқа, ҳавас бошқа, деганлари шу бўлса керак-да.

● Қирилликнинг Каролина тиббий жарроҳлик институти тиббиёт ва физиология соҳасида 2005 йилги Нобель мукофоти нишондорлари номини эълон қилди. Бундай нуфузли мукофотларга гастрит ва ошқозон ярасини келтириб чиқарувчи бактерияларни аниқлаган австралиялик Барри Маршалл ва Робен Уоррен сазовор бўлдилар. Олимлар 10 миллион швед кронии (1,3 миллионга яқин АҚШ доллари)ни ўзаро бўлишиб олдилар. «Маршалл ва Уорреннинг инқилобий кашфиётлари туфайли овқат ҳазм қилиш органлари яраси кўпинча ошқозон ишламай қолишига олиб келувчи сурункали хасталик бўлмай қолди. Энди бу касалликни антибиотиклар ёрдамида қисқа муддатда тузатиш мумкин», дейилади Нобель мукофоти тақдимномасида. 54 ёшли Барри Маршалл Ғарбий Австралия университети қошидаги тиббиёт марказининг тадқиқот лабораториясида ишлайди. 68 ёшли Робин Уоррен эса Перт шаҳрида фаолият кўрсатади.

● Польшалик Збигниуа Розаник энг кичик велосипедни ясабгина қолмай, балки уни беш метр ҳайдади ва бу билан Гиннеснинг Рекордлар китобига кирди. Велосипеднинг олд ғилдираги диаметри 11 миллиметр, орқа ғилдираги диаметри эса 13 миллиметрга тенг. «Рекордларни бузиш —менинг хоббим», дейди электрик Розаник.

● Лондоннинг «Челси» футбол клуби бош мураббийи Жози Мауриньога тириклигидаёқ ҳайкал ўрнатилди. У Лиссабондаги тўқимачилик саноати музейидан жой олди. 60 килограммли ҳайкални маҳаллий ҳайкалтарош Жозе Куэлью яратган бўлиб, унинг устига алоҳида матодан тайёрланган пальто кийгазиб қўйилган. Гап шундаки, бу пальто португалиялик мураббий ўз жамоаси рақибини мағлубиятга учратаётган пайтда заҳира курсисида ўтирган чоғида унинг елкасига ташланган эди. Пальто машҳур мураббийнинг рафиқаси томонидан 1200 фунт стерлингга сотиб олинган. Лекин бу либоснинг музейга келтирилиши эса 22 минг фунт стерлингга тушди. Чунки, ким ошди савдосида пальто ана шундай баҳоланган.

● Жулька лақабли оддий уй ити 50 километр узоқдаги туман касалхонасида даволанаётган соҳибасини қидириб топди. Белгород вилоятилик пенсионер Федосья Алексеевна Пономарь даволанаётган хонаси олдида чарчоқдан озиб-тўзиб кетган Жулькани кўрганида кўзларига ишонмади. Феня момо даволаниш учун туман марказига йўл олишдан олдин улоқчасини қўшнисига топширди, итини эса бўғилиб қолмасин учун ечиб юборди. Уй соҳибаси жўнаб кетгач, бир неча кундан сўнг кўппак ҳам сўкмоқлар ва йўллардан 50 километр йўл босиб, Голубинск хуторидан Алексеевкага етиб келди ва фақат туман шифохонасинигина эмас, Федосья Алексеевна ётган травматология бўлимини ҳам қидириб топди. Жулька қувонч ва соғинчдан ўзини унга отганда, момо кўз ёшларини тия олмади.

ВАТАНПАРВАР

ХАЛҚАРО ТЕРРОРИЗМ, ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ ОДАМЛАРНИНГ ҲАЛОВАТИНИ ЎҒИРЛАЁТГАНИНИ, ТИНЧЛИГИГА ДАХЛ СОЛАЁТГАНИНИ БИЛАМИЗ. ҲАЛИ ДУНЁНИНГ У НУҚТАСИДА, ҲАЛИ БУ НУҚТАСИДА МАЗКУР ОФАТ СОЛГАН, СОЛАЁТГАН ЖАРОҲАТЛАР ИНСОНИЯТНИ ЖУНБУШГА КЕЛТИРМОҚДА. ТАЪКИДЛАШ ЖОИЗКИ, АСРИМИЗНИНГ БУ ОФАТИГА ҚАРШИ ЭНГ АВВАЛО ОГОҲЛИГИМИЗ, СЕРГАКЛИГИМИЗ БИЛАН КУРАШАМИЗ. АЙНИҚСА, ЮРТНИНГ ҚУРОЛЛИ ҲИМОЯЧИЛАРИ ДОИМО СЕРГАК, ҲУШЁР БЎЛИШЛАРИ, ЖАНГОВАР ШАЙ ҲОЛАТДА ТУРИШЛАРИ ЛОЗИМ. БУ БОРАДА ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИГА ЙЎЛЛАГАН БАЙРАМ ТАБРИГИДА ҲАМ АЛОҲИДА ТАЪКИДЛАБ ЎТИЛГАН: «БУГУН БАРЧАМИЗ ҚАНДАЙ МУРАККАБ ЗАМОНДА ЯШАЁТГАНИМИЗНИ, ЎЙЛАЙМАНКИ, ЯХШИ ТУШУНАМИЗ. ХАЛҚАРО ТЕРРОРЧИЛИК, ЭКСТРЕМИЗМ, ТОБОРА КЎЛАМИ КЕНГАЙИБ БОРАЁТГАН НАРКОАГРЕССИЯ КАБИ БАЛО-ҚАЗОЛАР МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ҲОЗИРГИ КУНИ ВА КЕЛАЖАГИ УЧУН ЖИДДИЙ ТАҲДИДГА АЙЛАНМОҚДА». БУ ХУСУСДА ФИКР ЮРИТАР ЭКАН, ЮРТБОШИМИЗ БУНДАЙ ВАЗИЯТДА ДОИМО ҲУШЁР ВА СЕРГАК БЎЛИШИМИЗНИ, ЯНГИ КУЧ ВА ИМКОНИЯТЛАРИМИЗНИ САФАРБАР ЭТГАН ҲОЛДА ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИМИЗНИНГ МУДОФАА ҚОБИЛИЯТИНИ МУСТАҲКАМЛАШИМИЗНИ ЭЪТИРОФ ЭТАДИ.

Гапни бежиз мазкур мавзудан бошламадик. Негаки қаҳрамонимиз халқаро терроризм қиёфасини яхши билади. Ана шу офатнинг нуқси урган, буни касб қилиб олган нокаслар билан тўқнаш ҳам келган. Тўғри, бу борада гап очилгудек бўлса, шартнома бўйича хизмат сержанти Фармонбой Исматуллаев бироз оғринади. Юраги, қалби эзилади. Жанубий сарҳадларимизда кечган воқеалар хаёлига келади. «Кўз олдимда Сайёр Саъдинов жон берди. Уни шошилинч равишда вертолётга олиб чиқдик. Биринчи тиббий ёрдам кўрсатилди. Аммо сафдош бородаримни асраб қололмадик. Очиқ қолган кўзларини ўзим ёпдим. Ҳали дунёдан тўймаган эди, ҳали дунёга айтар сўзлари бор эди. Афсус. Бундай вазиятда ироданг, бардошинг метиндан бўлса ҳам чидамас экан. Кўзларимда ёш ҳалқаланди. Мустақиллигимиз, тинчлигимизни кўролмайдиган малъунларга, халқаро террорчиларга нафратим янада ошди».

Бу янглиғ машъум воқеаларни эсга олгиси йўқ, посбоннинг. Негаки, кўз олдига мардларча ҳалок бўлган сафдошлари келаверади. Шу боис биз ҳам қалбидаги яраларни ортиқ тирнамасликка ҳаракат қилдик. Келинг, яхшиси қаҳрамонимизнинг жанговар фаолиятини ўқув машғулотлари мисолида кўриб ўтайлик.

Тоққа қалин қор тушган. Харитадаги белгиларга қарар экан, взвод командири шартли душман эгаллаган қишлоққа яқин қолганини ҳисоблаб чиқди. Атрофда ғорлар, пистирма учун қулай жойлар бор. Душман панада туриб қўққисдан ҳужум қилиб қолиши ҳеч гапмас. Тажрибали командир вазиятни тўғри баҳолаган ҳолда дарҳол кузатув пости ташкил этишга буйруқ берди. Сержант Фармонбой Исматуллаев етакчилигидаги гуруҳ эса олдинги маррада бориши керак.

Буни қарангки, олдинги маррада бораётган гуруҳ посбонлари шартли душман билан тўқнаш келди. Алоқачи шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Озод Жўрақулов бу ҳақда зудлик билан взвод командирига рация орқали маълум қилди. Взвод старшинаси шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Шуҳрат Мусурмонов эса снайперлар билан қулай маррага жойлашиб олди. Гуруҳ командири аввало снайперларга шартли душманнинг олдинги сафда ҳаракатланаётган йўл бошловчиси, сапёр, автоматчиларини нишонга олиш ва яксон этиш ҳақида буйруқ берди. Моҳир снайперларнинг бехато хатти-ҳаракати сабаб, шартли душман гуруҳи парокандаликка учради.

Мақоламиз қаҳрамони 14 йилдан бери, Қуролли Кучларимиз ташкил топганидан буён шартнома бўйича хизматда. Ана шундайин мард, фидойи, миллий кадрларимиз армиямизнинг шаклланувига беқиёс улуш қўшиб келишмоқда. Булунғурлик бу ўғлоннинг Фаррух, Жаҳонгир, Жалолиддин исмли фарзандлари бор. Таъкидлаётганимнинг сабаби бу исмларнинг ҳар бири билан мардлик, жасорат, садоқат сўзлари эгизак, уйғун. Демоқчиманки, мард йигитнинг ўғиллари ҳам Ватанига, халқига мардонавор хизмат қилишади.

Қуролли Кучларимизнинг 14 йиллик тўйида сержант Фармонбой Исматуллаев Президентимизнинг Фармонига кўра «Фидокорона хизматлари учун» ордени билан тақдирланди. Мен қаҳрамонимнинг жанговар фаолияти билан таниша туриб, шуни англадимки, агар фидойилик сўзига ранг, бўёқ керак бўлса, ҳеч иккиланмай ундан олиш мумкин. Мардлик тимсолини чизмоқ истаган рассом бўлса, ундан нусха кўчириши мумкин. Унда қудратли кучни — миллатнинг жажжи бир қиёфасини ҳис қиласиз.

Алижон САФАРОВ,
майор.

Сенинг қаҳрамонларинг, Ўзбекистон!

ВАТАН СУЯНАДИ ШУНДАЙ МАРДЛАРГА!

«Энг илғор сержант»

АСЛ ЭРЛАР КАСБИ ЭРУР ПОСБОНЛИК

...СНАЙПЕР КУЗАТУВ ПУНКТИДАН ТУРИБ МАШҚНИ БАЖАРИШГА КИРИШДИ. АВВАЛО У МЕТЕОРОЛОГИК ШАРОИТНИ ҲИСОБГА ОЛДИ. ДЕЙЛИК, ТОҒ ШАРОИТИДА МАШҚНИ БАЖАРГАНДА ШАМОЛ ВА ИҚЛИМНИНГ БОШҚА ИНЖИҚЛИКЛАРИ ЎҚНИНГ ТРАЕКТОРИЯСИНИ ЎЗГАРТИРИШИ МУМКИН. БУНИНГ УСТИГА ҚАЛИН ЁҚҚАН ҚОРНИ ҲИСОБГА ОЛМОҚ ЛОЗИМ. СНАЙПЕРДАН ТАЛАБ ҚИЛИНАДИГАН МАЖБУРИЯТЛАР БУ БИЛАН ЧЕКЛАНИБ ҚОЛМАЙДИ. У МАСКИРОВКА ИЛМИНИ МУКАММАЛ ЭГАЛЛАГАН БЎЛМОҒИ ЛОЗИМ.

Ўқув йиғинларида соҳасининг ипидан игнасигача ўргангани кичик сержантга қўл келди. Нишонни, яъни шартли душманнинг тахминан 100 метрлар узоқликдаги қучларини яксон қилмоғи керак. Аниқроғи, шартли душман етакчилари, йўл бошловчилари, айғоқчиларини аниқ нишонга олиш унинг асосий вазифаси. Жанговар машқларда тобланган профессионал вазиятни тўғри баҳолай олди. Аввало у ҳаракатланиш тезлигини чамалади. «Шартли душман секундига тахминан 2-3 метрлар тезликда ҳаракат қилмоқда...». Хуллас, маҳорат ўз сўзини айтди. Посбон машқни муваффақият билан бажариб, командирлари ишончини оқлади.

Навбатдаги машғулот янада мураккаб. Кузатув пункти денгиз сатҳидан тахминан икки минг метр баландликда жойлашган. Аввало снайпер кузатув пункти атрофини яхшигина маскировка қилди. Эгаллаб турилган позициядан тоғ ён бағирлари аниқ кўринади. Дурбин билан атрофни синчиклаб кузатган кичик сержант Зафар Дониёров баланд, бунинг устига якка ўсаётган арча ёнида қандайдир шарпаларни сезгандай бўлди. Қолаверса, арчанинг айрим шохларида қор йўқлиги шубҳасини оширди. «Демак, арчанинг ёнига беркинаётганида шохлардаги қор тўкилган» — мантиқий хулоса чиқара бошлади посбон. Шеригига бу ҳақда айтганида, у ҳам ўша ҳудудни дурбин ёрдамида синчиклаб кузатди. Хуллас, атрофлича кузата туриб, посбонларимиз маккор ғанимнинг пусиб ётган жойини аниқлашди .

Бу хусусда зудлик билан қўмондонликка маълумот берилди. «Кузатувда давом этинг, душман кучлари, қурол-аслаҳаси, жойлашган координатлари ҳақида тўлиқ маълумот беринг!». Ана шундай қабилдаги буйруқни олишгач, кузатув пунктидагилар уни бажаришга киришишди.

«...Тахминан икки юз метрлар узоқликда. Мўлжал якка ҳолда ўсаётган арча дарахти. Душман автоматчиларини ҳам кўряпман...». Рация орқали бот-бот шундайин маълумотлар бериб борилди...

Мана, ниҳоят лавҳамиз қаҳрамони билан танишишга ҳам фурсат етди. Унинг жанговар фаолиятидан бундайин лавҳаларни кўплаб топиш мумкин. Аслида ана шундай машқлар сабаб тобланмоқда, чиниқмоқда, билимларини мустаҳкамламоқда.

—Бизга армиямизнинг суянчи, таянчи сифатида баҳо беришади. Бу катта масъулият, дегани ҳам. Ана шу номга лойиқ бўлиш учун эгаллаган соҳамизга касб деб, ҳаётимиз маъноси деб қарашимиз керак. Командирларим мени «яхши мутахассис», «тажрибали кичик командир», дея кўп бора айтишган. Аммо ҳали ўзимдан кўнглим тўлгани йўқ. Мен соҳамни янада мукаммал эгаллаш йўлида доимо изланишдаман, — дейди кичик сержант Зафар Дониёров.

Интилиш, изланиш, ғайрат, шижоат ўз мевасини берди. Лавҳамиз қаҳрамони Қуролли Кучларимизнинг 14 йиллик тўйида «Энг илғор сержант» номинацияси ғолиби деб топилиб, Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан Туркистон саройида бўлиб ўтган тантанада тақдирланди.

Аҳмаджон СОДИҚОВ





Ҳарбийлар оиласида

МЕҲРДАН ЯРАЛГАН БУ РИШТА

СОДИҚ ОТА КЎНГИЛ КЕНГЛИКЛАРИ БЎЙЛАБ АНЧАЙИН САЙР ҚИЛДИ. ҲАЁТДАН ТОПГАНЛАРИ, ЙЎҚОТГАНЛАРИДА БЎЛДИ. ЎЙЛАБ ҚАРАСА, КЎПРОҚ ТОПГАНЛАРИ ТАРОЗИ ПАЛЛАСИНИ БОСАРКАН. ҚУВОНДИ, ОРТДА ҚОЛГАН УМР ДОВОНЛАРИДАН РОЗИ БЎЛДИ. ҲАЁТ ДЕГАНЛАРИ ЎЗИ ШУНАҚА. АЧЧИҒИ-ШИРИНИ, ОРЗУСИ-АРМОНИ БЎЛАДИ.

Пешонага, юзга туша бошлаган ажинларда улар гўё жило бериб тургандек. Яратганга беадад шукр. Бирин-кетин ўн фарзанд кўрди – саккиз ўғил, икки қиз. Эҳ, уларнинг ширин ташвиш и, камолга етказиш йўлидаги сарфланган йиллар...

Тўнғичи — Бахтиёрнинг жуссаси, қадди-қомати ҳарбийликка мос. Аммо фарзанд ўзиники, унинг орзу-ҳаваси эмас. «Эл-юртга ҳалол хизмат қил, доимо халқнинг дуосини ол», дея барча фарзандларига тарбия бериб келди. Аммо ўзининг армонини, йигитлик армонини уларга тиқиштира олмайди-да.

Тўнғич ўғил Тошкент Давлат тиббиёт институтига ўқишга кирди. Битириб, пойтахтда шифокор бўлиб қолди. Бор билими, тажрибаси билан халққа хизмат қилди. Кунлардан бирида Бахтиёр ҳузурига келиб «Ота, сиздан дуои, фотиҳа олишга келдим. Ҳарбийликка, ҳарбий шифокорликка таклиф қилишяпти». Юрт ҳимояси йўлида хизматимни зарур деб ҳисоблашяпти», деди бироз чайналиб. Опичлаб келаётган армони тилга кирди, кўзларида, юзларида қувонч бўлиб балқди. Ўғлини бағрига босди. «Ўзингга шукр», деб қўйди ичида.

Ниятнинг холислиги, армоннинг поклигини қаранг. Тўнғичининг ортидан яна уч ўғли - Ғаффор, Ўктам, Жўрабек эргашиб, юрт осойишталиги йўлидаги хизматни касб деб билишди. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, Ғаффор – ёнғин хавфсизлиги бўлимида, Ўктам ортда қолаётган йилда Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртини тугаллаб, бугун гуруҳ командири вазифасида. Жўрабек шартнома бўйича хизматчи. Офицер бўлишга қатъий аҳди бор. Ҳа, бир-бирини қувалаб ўтган йиллар Содиқ отага армон меваларини туҳфа этди.

— Ҳаловат, ҳой Ҳаловат.

— Лаббай, отаси.

— Тугунчангни ҳозирла, Тошкентга кетамиз. Байрамни ўғлинг Бахтиёрникида бир нишонлайлик. Уларни бир табриклаб, дуо қилиб қайтамиз. Тошкентга бормаганингга ҳам анча бўлди.

Она ширин энтикди. Тўнғичини, қолаверса невараларини соғинган-да. Данагидан меваси ширин, деганлари шу-да. Хуллас, «Ҳайё-ҳуйт» деганча Бойсундан пойтахт сари йўлга тушишди.

Тўнғичи бугун тиббий хизмат майори, ҳарбий қисмда тиббиёт хизматининг бошлиғи. Рафиқаси Соҳиба ҳам шифокор сифатида ҳарбий жамоада фаолият юритади. Яъни, Қуролли Кучлар хизматчиси. Уларни оилавий ҳарбийлар дейиш мумкин.

Биламиз, ҳарбийликнинг ўзига хос масъулияти, машаққати бор. Ҳар доим ҳам хизматдан ортиб, оилага қарашга имкон бўлавермайди. Шунга қарамай фарзанд ота-онасининг кўнглини овлаш, уларга қувонч улашиш учун имкон топа билди. Уларни пойтахтдаги муҳташам маданият саройларига олиб кириб, кўнгилли хордиқ чиқаришлари учун замин яратди. «Мен сизларни бошимга кўтарсам-да, дунёларни олиб берсам-да, олдингиздаги қарзимни узолмайман» — сўзлади ўғилнинг нигоҳлари.

Ҳарбийликни танлаган ўғилларига байрам баҳона кўп-кўп тилаклар, истаклар билдирди, ота. Мен унинг нигоҳлари, кўзларидан тилига чиқармаган айрим гапларини ҳам уққандек бўлдим. Гўё нигоҳлар, кўзлар «Истиқлол сабаб армоним ушалди, фарзандларим менга армон бўлган ҳарбийликни Мустақиллигимиз сабаб танлашди», деяётгандек эди.

Шерзод ТОЛМАСОВ,
майор.

ҲАМ ҚАРЗ, ҲАМ ФАРЗ

СОЙНИНГ БОШИДАН БИҚИРЛАБ ҚАЙНАБ ЧИҚАЁТГАН БУЛОҚНИНГ ТИП-ТИНИҚ СУВИДАН ҚОНИБ-ҚОНИБ ИЧСАНГ, ШУНДА БУЛОҚ БОШИДА ОСМОНГА БЎЙ ЧЎЗГАН КЕКСА ЧИНОР ШОХЛАРИ ОРАСИДАН ГОҲ ҲАЗИН, ГОҲ ШЎХ-ШОДОН САЙРАЁТГАН ҚУШЛАРНИНГ МАЙИН ОВОЗИ ДИЛИНГНИ ЯЙРАТСА, КЕЙИН АЙНИ НАМОЗШОМ МАҲАЛИ БЎЛГАНДА ТОҒ БАҒИРЛАБ ЧЎЗИЛГАН ЁЛҒИЗОЁҚ ЙЎЛДАН КЕТАВЕРСАНГ-КЕТАВЕРСАНГ, ЛЕКИН БУ ЙЎЛНИНГ ОХИРИ БЎЛМАСА, ҲАММА ЁҚ ФАҚАТ ДАШТУ ДАЛАЛАР, ҚИР-АДИРЛАРДАН ИБОРАТ БЎЛСА. ОЁҚЛАРИНГ ОСТИДА ЯСТАНИБ, ЁН АТРОФИНГДА БАРҚ УРИБ ЎСГАН ЯМ-ЯШИЛ МАЙСАЛАР ГОҲ У ЁНДА, ГОҲ БУ ЁНДА МАВЖ УРСА.

Шунда, қалбингда ўз-ўзидан сени яратган Оллоҳга шукроналик ҳисси пайдо бўлса, ахир озодсан, эркинсан ва мана шундай юртда яшамоқдасан, бундан эса кўнглинг қувончларга тўла. Кўкда ҳам, ерда ҳам ажиб бир манзара, мана шу ястаниб ётган қир-адирлар сенинг қўй- қўзиларингни ўз бағрига олган, юртинг осмони эса мусаффо. Кўнглинг сурурларга тўлиб, юртинг осмонининг доим мусаффо бўлмоғи учун, сен ҳам мана шу юрт фарзанди сифатида Ватан мудофааси чегаралари мустаҳкамлиги учун сидқидилдан хизмат қилишинг лозим. Бу эса юртнинг тинчлиги, фарзандларингнинг ёруғ, шинам хоналарда ўқиб-ўрганиши демакдир. Ахир, элингда, юртингда тинчлик бўлса, бунга нима етсин. Томирида «Ё Ватан, ё шарофатли ўлим» дея душман устига ташланиб, жангохда шаҳид бўлган Нажмиддин Кубро, буюк саркарда боболаримиз А.Темур, Ж.Мангуберди, Темур Маликдек чайир, абжир қаҳрамонлари, Сайёрдек мард йигитлар қони оқаётган, сабр-бардошли, матонатли йигитларимиз кўпки, улар ҳеч иккиланмай Ватан учун, она юрт хавфсизлиги учун жонини фидо қилишга тайёрдирлар. Ватанимизнинг дахлсизлигига, тинчлигига ҳеч ким хавф сола олмайди.

Уйқудан каллаи саҳарлаб уйғонадиган, қуёш чиққунга қадар тандирдан иссиққина нонлар узиб, қатор сигирларни соғиб, сутини пиширib, нонуштага тортиқ қиладиган, саҳардан қош қорайгунча уй юмушлари билан юрадиган, юзи офтобдан қорайган жиккаккина, хокисор она ўз фарзандини хизматга кузатаётиб, кўнглида улуғворлик, фахр-ифтихор ҳиссини туяди, ортидан кўзида қувонч ёшлари билан оқ йўл тилайди. Ота ҳам ўғлини яна бир бор бағрига босиб, елкасига қоқиб қўяди, бу ҳар бир ота-она учун улуғ бахт, чунки шундай кунларга етганлар бор, етмаганлар бор. Қалбида мардлик, жасурлик туйғулари жўш урганича фарзанд ҳам ўз элини, ўз Ватанини, ўз ота-онасини авайлаб-асраш учун «катта ҳаёт мактаби» — аскарликка йўл олади.

Ватанни ҳимоя қилиш ҳар бир инсон учун ҳам қарз, ҳам фарздир. Шу билан бирга шараф ва олий саодатдир. Ватан, бу — она, она бу — Ватан демакдир. Киши ўз онасини қандай эъзозласа, Ватанини, унинг ҳар бир қарич ерини шундай асрамоғи, тупроғини кўзига суртиб, бор меҳрини бермоғи: «Бу мен туғилиб ўсган юрт, менинг киндик қоним мана шу юрт тупроғига томиб, сингиб кетган, шундай экан, бу тупроқ мен учун муқаддасдир», деган хаёл билан яшамоғи лозим.

Раимкул СУЯРОВ

Таълим

ҲАМКОРЛИК ЎРНАТИЛДИ

ГАЗЛИ ВА ҚАТТИҚ ЖИСМЛАРДА ЮЗ БЕРАДИГАН ЭЛЕКТРОН ВА ИОНЛИ ЖАРАЁНЛАР БЎЙИЧА МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАБ КЕЛАЁТГАН ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ЭЛЕКТРОНИКА ВА МИКРОЭЛЕКТРОНИКА КАФЕДРАСИДА ҲАЛҚАРО АЛОҚАЛАР ҲАМ КЕНГ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛГАН.

Яқинда Хитойдаги марказий физика институти билан ҳам ҳамкорлик ўрнатилди. Ўзаро келишувга биноан ҳар икки илмий марказ электрониканинг янги технологияси бўйича лойиҳа доирасида тадқиқотлар олиб боришади. Шунингдек, Хитой институтида ўзбек талабалари учун амалий машғулотларни ўтказиш кўзда тутилди.

САМАРАЛИ ИЗЛАНИШЛАР

РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-ТЕХНИКА ВА МАРКЕТИНГ ТАДҚИҚОТЛАР МАРКАЗИ ФАОЛИЯТИ КЕНГАЙИБ КЕТДИ. ЎТГАН ЙИЛ БУ ИЛМИЙ МУАССАСА УЧУН АЙНИҚСА САМАРАЛИ БЎЛДИ.

Ана шу ютуқлари учун мазкур марказ телекоммуникацияларни стандартлаштириш Европа институтига аъзо этиб қабул қилинди.

Ахборот-коммуникация технологияларини стандартлаш билан яқиндан шуғулланиб келаётган Европа институтига ҳар йили энг нуфузли алоқа маъмуриятлари, телекоммуникация операторлари, илмий-техника ташкилотлари аъзо бўлиб сайланадилар. Ўзбекистон Алоқа ва телекоммуникациялар агентлигига қарашли республика Илмий-техника ва маркетинг тадқиқотлари марказининг аъзо бўлиши соҳа мутахассислари учун қувончли воқеа бўлди.

Фан

ЯНГИ ИЛМИЙ МАРКАЗ

ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ ВА ЙЎЛЛАР ИНСТИТУТИ КАФЕДРАЛАРИДА ИЛМИЙ ИЗЛАНИШЛАРГА КАТТА АҲАМИЯТ БЕРИЛМОҚДА. «АВТОМОБИЛЛАРНИНГ ТЕХНИК ЭКСПЛУАТАЦИЯСИ», «АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИ ВА АЭРОДРОМЛАР», «АВТОТРАНСПОРТ ДВИГАТЕЛЛАРИ» КАФЕДРАЛАРИНИНГ БУ БОРАДАГИ ФАОЛИЯТЛАРИ, АЙНИҚСА САМАРАЛИ БЎЛМОҚДА.

Олий ўқув юртида амалга оширилаётган илмий-тадқиқотларни тизимлаштириш тадбирлари ҳам кўрилди. Бундай жараён билан бевосита шуғулланувчи янги илмий марказ тузилди. «Автомобиль йўл комплекси илмий тадқиқот маркази» деб ном олган мазкур ўчокда 15 га яқин лаборатория фаолият кўрсатмоқда.

Бундай янгилик институт ўқув жараёнида фан-техника ютуқларидан самарали фойдаланиш, иқтидорли ёшлар тадқиқотларининг узвийлигини таъминлашда қўл келди.

Акбар АЛИЕВ

Шарҳловчи минбари

ЭНЕРГЕТИК ХАВФСИЗЛИК ЙЎЛИДА

23 МАРТ КУНИ ЕВРОПА ИТТИФОҚИНИНГ ИККИ КУНЛИК САММИТИ ОЧИЛДИ. УНДА АСОСИЙ ЭЪТИБОР ЭНЕРГЕТИК ХАВФСИЗЛИК МАСАЛАЛАРИГА ҚАРАТИЛГАН.

Иттифоққа аъзо 25 мамлакат раҳбарлари Еврокомиссия томонидан тайёрланган ва «Яшил китоб» номини олган ягона энергетика сиёсати лойиҳасини муҳокама қилмоқда. Ушбу ҳужжатда Европани энергия заҳиралари билан таъминлашда муҳим ўрин эгаллаган Россияга алоҳида аҳамият берилган. Айтиш жоизки, ЕИ газ эҳтиёжининг 50, нефть эҳтиёжининг 25 фоизини Россия ҳисобига қондиради.

Бундан олдин Еврокомиссия раиси Жозе Мануэл Баррозу Россия президенти Владимир Путин билан энергетика соҳасида ҳамкорликни кенгайтириш масалаларини муҳокама қилган эди. Еврокомиссия раиси ушбу музокара натижалари ҳақида ЕИ давлатлари раҳбарларига маълумот бериши кутилмоқда.

Россия билан энергетик ҳамкорликни кенгайтириш ғояси қатор Шарқий Европа мамлакатлари томонидан танқид қилинди. Улар саммитда муқобил «энергетик НАТО» тузиш таклифини кўтариб чиқмоқчи. Бу ташкилот энергия заҳираларининг ҳамкорлик асосида мунтазам етказиб берилишини таъминлаши ва Россияни бошқа экспортчилар билан рақобатлашишга мажбур қилиши керак.

Жозе Мануэл Баррозу Европа Иттифоқининг барча мамлакатларини умумий назорат остида бўладиган ягона нефть-газ бозорини яратишда ҳамкорликка ундади ва энергетика соҳасида ортиқча эҳтиёткорликдан тийилишга чақирди.

Унинг мурожаати асосан Франция ва Испанияга тегишлидир. Бу мамлакатлар энергетикага оид сиёсатида ўз миллий энергетик компанияларини хорижий концернлардан ҳимоя қилиш бош вазифалардан этиб белгиланган.

Шунингдек, саммитда Европа Иттифоқининг Лиссабон стратегиясини амалиётга татбиқ этиш масалалари муҳокама қилинади. Лиссабон стратегияси ЕИ фуқароларини ижтимоий ҳимоялаш ва Европа бозоридаги улкан рақобатни мувофиқлаштиришни назарда тутади.

ЎзА

Ўз-ўзи ўрганиб доно бўлур...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Нодонлик эрур элда маломатга далил,
Доно улус олдида хижолатга далил.

НАВОИЙ

Нодонга насиҳат қилсанг, бир қулоғидан кириб, иккинчи қулоғидан чиқиб кетади.

Нодоннинг фойдасига гапирсанг, жаҳли чиқади.

Ақлли кишида учта хислат бўлади: биров нарса сўраса одоб билан жавоб беради, бировдан ёмонлик кўрса ҳам яхшилик қилади, халқи учун фойдали фикрларни олға суради.

Ақл одамга ҳамиша ҳамдам ва дўст, мол-дунё эса ташлаб кетувчи бевафо меҳмон.

Пулни ишлатсанг озаяди, ақлни ишлатсанг сайқал топиб, кўпаяди.

Ақллилик икки нарсадан иборат: ғазаб келганда ўзини босишдан ва бировдан кучли бўлганда уни кечиришдан.

«ОТАЛАР сўзи»

Нодонга шаҳд берсанг ани заҳр этар гумон,
Ҳар барги гулни, войки, ниши тикан билур.

РОҚИМ

Нодонлик ўргатилмаган ҳайвонга ўхшайди. Кимки унга минса ҳор қилади ва кимки унга яқинлашса тўғри йўлидан оздиради.

Нодон одам молни, ақлли одам эса фазлу камолни қидиради.

Муҳаммад ЗЕҲНИЙ

Мақсад юзин ҳамиша анго кўргузур жаҳон,
Ҳар кимки, чашми нури хираддин тиҳи эрур.

Комил ХОРАЗМИЙ

Ҳар ким ҳунар қадрин билмаса кўп дод,
У қуруқ сувратдир, девсифат бунёд!
Алафхўр мисоли эмасдир инсон,
Зийраклик, ҳушёрлик пайида ҳар он.
Ҳар ким ўқимоқдан қилмаса гар ор,
Тошдан лаъл чиқарар, сувдан дур-гавҳар,
Неча ақли тезлар қилиб беҳушлик,
Нодонликдан қилди сафолфурушлик.
Аммо таълим олиб нечалар нодон,
Ҳоким бўлди етти иқлимга чунон.
Обиҳаёт сувин ичганинг замон,
Ўзни Ҳизр дея айлагин гумон.

Низомий ГАНЖАВИЙ

Нодонга неча яхшилиқ этсанг, билур ёмон,
Деманг ғалат сўзумни, муни қилдим имтиҳон.

РОҚИМ

Арасту айтади: «Нодон ўзига ўзи душман бўлади, шундай бўлгач, у ўзгага қандай дўст бўлсин!»

«ФАВОКИҲ АЛ-ЖУЛАСО»

Инсон юксак камолотга эришув йўлида ҳаракат қилганидек, ақлий билишга ҳам ҳаракат қилса, ҳеч шубҳасиз ўзи интилаётган сўнгги даражадаги бахт-саодатга эришади.

Абу Наср ФОРОБИЙ

Аҳли донишлар тушарга бўрё топмайин,
Хайли нодонлар солиб маснадлар ўзи деболар.

МУНИС

Ҳикмат. Кўрлик нодонликдан яхширокдир, чунки кўрлик ўз эгасини чоҳга қулатса, бирор аъзосини синдиради, нодонлик эса ўз соҳибини ҳалокатга маҳкум этади. Байт:

Нодоннинг кўзи бор, кўрмайди аммо,
Кўрлар бор, кўрмайди, лекин кўп доно!

Муниддин ЖУВАЙНИЙ

Хуш улким, суҳбати ножинслардин,
Қочиб ўлтургали зиндона яхши.

КАМИЙ

Энг оғир дард нодонлик,
Энг кучли хасталик пасткашлик.
Оғир балодир ким бўлса нодон,
Нодон учун йўқдир дори-ю дармон!

«ОТАЛАР сўзи»

Билсанг, топсанг иложин, бўлмагил
нодонга дўст,
Иттифоқ бўлсанг, изҳор этмагил асрордин.

ОРАЗИЙ

Неким қилди жоҳилки, эрди ёмон,
Тутуб аксини, топдим андин омон.

НАВОИЙ

ҲИКМАТ: Сўзни ҳакимлардан эшит, суҳбатни донолар билан қил, саводни олимларга бер. Ҳакимлар сўзида маърифат жам, донолар суҳбатида бойлик, олимлар жавоби саломатлик йўлидир. Байт:

Оқил билан бўлсанг агар ҳамсуҳбат,
Ҳар ишда мақсадинг бўлгай муяссар.

Муниддин ЖУВАЙНИЙ

Бировким ўзни билмас, билгувчи
йўл бошласа юрмас,
Совурғон, пир урғон жумла
нодонликдан авлодур.

ОРАЗИЙ

Бефаҳмга сўз тушунтиришдан кўра елкада тош ташиш афзал.

Нодонлик бойўғлидир, бойўғли эса доим харобани излайди.

Нодоннинг вақти фойдасиз ўтади.

Эшак оз овқат еб риёзат чеккан билан ақлли бўлиб қолмайди.

«ОТАЛАР сўзи»

Ёинки бир аср зиндона ётмоқ,
Нодон суҳбатидан кўра яхшироқ.

Паҳлавон МАҲМУД

Маҳмуд ҲАСАНИЙ, Ҳамиджон ҲОМИДИЙ тайёрлашган.

ТЕАТР — ХАЛҚИМИЗ МАЪНАВИЯТИНИ, ИНСОНЛАР ҲАЁТИНИ ЎЗИДА ЁРҚИН АКС ЭТТИРУВЧИ БИР КЎЗГУ ҲИСОБЛАНАДИ. ЧУНКИ ТЕАТРЛАРИМИЗ САҲНАСИДА НАМОЙИШ ЭТИЛАЁТГАН САҲНА АСАРЛАРИДА ХАЛҚИМИЗНИНГ ТУРМУШ ТАРЗИ, УРФ-ОДАТЛАРИ, ҚАДРИЯТЛАРИ, ШУ БИЛАН БИРГА ҲАЁТДА УЧРАБ ТУРАДИГАН БАЪЗИ МУАММОЛАР ЎЗ АКСИНИ ТОПАДИ.





27 март — Халқаро театр куни

САҲНА — ҲАЁТИМИЗ КЎЗГУСИ

Кейинги йилларда театрларимиз репертуаридан турли мавзудаги ранг-баранг, янги спектакллар ўрин олиб,санъатсевар мухлислар эътиборини жалб қилиб келмоқда. Жумладан отахон театрларимиздан бири бўлган Ўзбек Миллий академик драма театри жамоаси ҳам ҳозирги кунда томошабинлар қалбига манзур бўладиган, халқимизнинг тарихий ва замонавий қаҳрамонлари ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи саҳна асарларини яратиб, ижодий изланишларини давом эттирмоқдалар. Театр саҳнасида кейинги йилларда намойиш этилаётган «Чимилдиқ», «Қирмизи олма», «Қаллиқ ўйин», «Андишали келинчак» сингари спектакллар айниқса, томошабинларга манзур бўлмоқда.

Куни кеча Ўзбек Миллий академик драма театрида Халқаро театр куни олдидан театр жамоаси билан оммавий ахборот воситалари ходимларининг юзма-юз мулоқоти бўлиб ўтди. Унда ўтган йил якунлари, театр репертуари ва ижодий жараёнлар, келгуси режалар хусусида савол-жавоб, баҳс-мунозаралар бўлиб ўтди.

-Ушбу мулоқотни ўтказишдан мақсад, — деди йиғилишда сўзга чиққан Ўзбек Миллий академик драма театрининг директори Ёқуб Аҳмедов, — театрдаги ижодий жараёнлар хусусида томошабин билан ижодкорлар ўртасида беминнат воситачи бўлган матбуот ходимларини бохабар қилиш ва уларнинг спектакллар ҳақида фикрлари билан ўртоқлашишдан иборатдир. Айтиш жоизки, бугунги кунда театримиз репертуаридан жами 20 та спектакль ўрин олган бўлиб, яна бир қатор янги асарлар саҳналаштирилмоқда. Куни кеча театрда режиссёр Марат Азимов томонидан саҳналаштирилган «Уч кунлик дунё» номли янги спектаклнинг премьераси бўлиб ўтди. Шунингдек «Макр ва муҳаббат» номли янги спектакль ҳам саҳналаштирилмоқда.

— Шуни қувонч билан айтишим мумкинки, театримиз заллари бугунги кунда яна ҳам гавжумлашиб бормоқда. Спектакларимиз ўз мухлисини топмоқда. Театрнинг аҳил ва тотув жамоасида айни кунда 64 нафар актёрларимиз ижод қилмоқдалар. Улар орасида эл севган таниқли санъаткорларимиз Ўзбекистон халқ артистлари Зикир Муҳаммаджонов, Рихси Иброҳимова, Тургун Азизов, Толиб Каримов, Эркин Комилов, Теша Мўминов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Саида Раметова, Зуҳра Ашурова, Раъно Ярашева, Муқаддас Холиқова ва ёш истеъдодли актёрларимизнинг номларини фахр билан тилга олиб ўтиш мумкин. Келгусида режаларимиз бисёр албатта. Халқимиз кўнглидан жой оладиган янги-янги спектакларни яратиш ниятидамиз.

Баҳс-мунозара, савол-жавоблар тарзида ўтган анжуман йиғилганларда катта таассурот қолдирди. Ва бундан буён мана шундай юзма-юз мулоқотни уч ойда бир марта ўтказиб туришга келишиб олинди. Зеро, бундай мулоқотлар, баҳс-мунозаралар театр ижодкорларининг келгусидаги ижодий изланишларида ўз самарасини бериши шубҳасиз.

Дилором ИКРОМОВА

СУРАТЛАРДА: театр саҳнасида намойиш этилган спектакллардан кўринишлар.

Раҳмонбек Исломов олган суратлар.

ХУШХАБАР КЕЛДИ

КУНИ КЕЧА КУРАШ ХАЛҚАРО АССОЦИАЦИЯСИ ШТАБ КВАРТИРАСИГА УЗОҚ ПАН АМЕРИКА ҚИТЪАСИДАН ХУШХАБАР КЕЛДИ.

Уругвай кураш федерацияси президенти Хусус Гонсалеснинг хабар беришича, шу йилнинг 8-15 апрель кунлари Уругвай давлатининг Мерседес шаҳрида "Биринчи Экспо спорт" номли спорт фестивали бўлиб ўтади. Унда Олимп оиласидан жой олган спорт турлари билан бир қаторда курашимиз ҳам ўрин олган. Кураш тадбирида уругвайлик полвонлар билан бир қаторда Аргентина, Парагвай, Боливия ва бразилиялик полвонлар ҳам гиламга чиқадилар.

Ўзбек курашининг Доминикан ўйинлари қаторидан муносиб ўрин олганлиги унинг Олимпиада сари янада яқинлашаётганидан далолатдир. Бундан ташқари Украина давлатидан келган хабар ҳам курашсеварлар учун Наврўз совғаси бўлди, десак муболаға бўлмайди. 2005 йилнинг ноябрь ойида Украина кураш федерацияси расман иш бошлаган эди. Бу ўз навбатида курашни Украинада ҳам оммалашувига туртки бўлди. Кураш Украинанинг 18 та вилоятида ўз бўлимларини очган. 18-19 март кунлари бу юртда Украина спорт вазирлиги тақвим режасидан жой олган катта кураш мусобақаси бўлиб ўтди. Хемеленский шаҳрида бўлиб ўтган "1-Бутун Украина" кураш турнирида 60 дан 90 кг гача бўлган вазндаги полвонлар билан бир қаторда 52, 63, 70 кг вазндаги аёллар ҳам ўзаро беллашдилар. Бу эндигина иш бошлаган янги федерациянинг биринчи турниридан бири бўлди.

Рустам ҲАЙДАРОВ, "Туркистон-пресс"

ОСИЁ ЧЕМПИОНЛАР ЛИГАСИ ТУРНИРИ ГУРУҲ БАҲСЛАРИНИНГ ИККИНЧИ УЧРАШУВИДА МАМЛАКАТИМИЗ ЧЕМПИОНИ «ПАХТАКОР» САФАРДА ҚУВАЙТ МАМЛАКАТИНИНГ ПЕШҚАДАМ ЖАМОАСИ «АЛ-ҚОДИСИЯ» БИЛАН КУЧ СИНАШДИ.

Футбол

МУРОСАСИЗ БЕЛЛАШУВ

Шуни таъкидлаш жоизки, Осиё чемпионлар лигаси турнирида иштирок этаётган жамоалар ғолиблик учун муросасиз баҳс олиб боришяпти. Шунингдек, ҳар бир жамоанинг имкониятлари тенг эканлигини ҳам таъкидлаш лозим. Буни «Ал-Қодисия» — «Пахтакор» беллашуви ҳам яққол исботлайди. Сабаби мутахассислару мухлислар Осиё чемпионлар лигасининг икки бора ярим финалчиси бўлган «Пахтакор»нинг ғалаба қозонишига шубҳа қилишмаган эди. Дарҳақиқат, ҳужумкор, тезкор ўйин намойиш этган тошкентлик футболчилар биринчи бўлиб рақиб дарвозасини ишғол қилишди. Гол муаллифи Анвар Солиев. Аммо, иккинчи бўлимда уюшқоқ ҳолда, жамоавий ўйин намойиш этган мезбонлар меҳмонлар дарвозасини икки марта аниқ нишонга олиб, учрашувни 2:1 ҳисобида ўз фойдаларига ҳал эта олишди.

Осиё чемпионлар лигаси гуруҳ баҳсларининг учинчи тури 12 апрелда ўтказилади. Унда «пахтакор»чилар Эрон чемпиони «Фулат» жамоаси билан куч синашишади.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

Мунажжим башорати

ЗАРУР ИШЛАРНИ БАЖАРИНГ

28 МАРТ, СЕШАНБА

ЭРТАГА ЯНГИ ОЙ ЧИҚАДИГАН КУН. БУНДАЙ КЕЗЛАР ҲАМИША КУЧ-ҚУВВАТ ПАНД БЕРАДИГАН ТАРАНГЛИК ДАВРИ ҲИСОБЛАНАДИ.

Бугун алдовлар, фириблардан сақланинг, таваккалчиликка борманг, жанжалможаролардан нарироқ юринг. Эски-тускй, кераксиз буюмларни чиқариб ташланг, яроқсиз барча нарсалардан халос бўлинг. Ўзингизни ва яшаётган уйингизни покланг, исириқ тутатиб, сувлар сепиб, ҳамма ёқни саранжом-саришта қилинг.

Кучли шамол орқангиздан урилаётганини ҳис этсангиз, бу сиз тўғри йўлдан бораётганингизни билдирувчи аломатдир. Чармдан ишланган буюмни топиб олиш мадад ва ҳимоясига олувчи ҳомийларингизга ишора.

Шу куни ҳаммомга бориш, соч олдириш, пиёда сайр қилиш фойдали. Кечқурун, айниқса кун ботгандан кейин зиёфатлар уюштириб, кун безарар ўтганидан хурсандчиликларини намоён этишади.

Бу кеча кўрган тушларингиз кўрқинчли ва жозибали бўлиши мумкин. Аммо уларга ишониб бўлмайди. Тушда мусиқа овозини эшитиш ёки китоб ўқиш – яхшиликка.

Кўзларингиз ва бош мияни бугун эҳтиёт қилинг, кўпроқ дам олиб, кўнглингизни ёзганингиз маъқул.

Бугун бошдан-оёқ ёрқин рангдор кийимларни кийиш керак. Оқ, олтинранг ва яшил тусли либосларга кўпроқ устуворлик бериш мақсадга мувофиқ.

ҚАҲҚАҲА

Милиция бўлимида миршаб айбдор йигитдан сўраётганмиш:

— Айтинг-чи, сиз ҳақиқатан ҳам Таннозхон Пардозхўжаеванинг башарасига тупурдингизми?

— Кўзга яқингина жувон эканлар, кўз тегмасин деб тупуриб қўйгандим, — дебди йигит.

— Бир нарсага ақлим етмай турибди, — дебди миршаб. — Нега унда ёнларидаги ҳусну малоҳатда Таннозхондан сираям қолишмайдиган дугоналари Асалхонга тупурмай айнан Таннозхонга тупура қолдингиз?

— Бунга зарурат йўқ эди, — дебди йигит, — Асалхоннинг иккала билакларидаям кўзмунчоқ тақилган экан.

* * *

Бир аёл чақалоғини чўмилтираётган экан, қўшнисининг қизалоғи келиб унга бир оз разм солди-да, қўлидаги қўлсиз, оёқсиз, битта кўзи тушган қўғирчоғига қараб туриб сўради.

— Холажон, болангиз неча ойлик бўлди?

— Уч ойлик, нима эди?

— Болангизни яхши асрабсиз, дермиш қизалоқ.

* * *

— Томас, нега уканг йиғлаяпти? — сўради она.

— Ширин булочкамни унга бермай ўзим еяётганим учун.

— Ўзиники-чи?

— Ўзиникини еганимдаям йиғлаган эди.

* * *

Ўта семиз аёл ресторанда овқатланиб бўлгач, ҳазми енгилроқ ширинликлардан буюрди:

— Илтимос, менга банан шарбати, учта музқаймоқли шоколад, ёнғоқ ва қаймоқ қўшиб олиб келсангиз.

— Яхши, — дебди официант, — балки музқаймоққа озроқ олча мураббосиям қўшармиз?

— Нималар деяпсиз? — дебди аёл. — Ахир мен парҳездаманку!

* * *

— Ўғлингизга олиб берган ноғора сизга қимматга тушмадими?

— Аксинча, қўшнимнинг уйини ярим баҳосига харид қилишимда қўл келди.

* * *

Коммунал квартиранинг ваннахонасида чўмилаётган аёл эшик тепасидаги дарчадан пойлаётган эркакни пайқаб қолиб дебди:

— Нима, яланғоч аёлни кўрмаганмисан?

— Яланғочлигингиз мени мутлақо қизиқтирмайди, — дебди эркак, — қўлингиздаги совун меникимасмикин, деб қараётган эдим.



Изоҳга ҳожат йўқ.

Баҳодир Калонов чизган расм.

1997 йил 5 августда Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳар ҳокимлиги Корхоналарни рўйхатга ва савдо тармоқларини ҳисобга олиш бошқармаси томонидан Тошкент геология қидирув билимгоҳи (ҳозир С.Раҳимов политехника касб-ҳунар коллежи)га берилган рўйхат рақами 05-000363 ГН №000394 ном ҳақидаги гувоҳнома ва С.Раҳимов туман ҳокимиятидан 2000 йил 19 августда реестр сони 05-5081 бўлган далолатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

"050" ХАБАРЛАРИ

ХАЛҚИМИЗДА "Ёнғинни ўчиргандан кўра, олдини олган афзал" деган нақл бор. Бу борада Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси "Қутқарув хизмати"нинг беминнат ёрдами ҳам шу мақсадга қаратилган.

Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармасининг тезкор навбатчи қисмига ўз вақтида фуқаро Муҳиддинова хабар қилмаганида Мирзо Улуғбек туманидаги 45-уйнинг 37-хонадонида яшовчи ҳамшаҳарларимиз фалокатга йўлиқишлари ҳеч гап эмас эди. Зудлик билан етиб борган сержант Мақсуд Мансуров бошчилигидаги "Қутқарув хизмати" қутқарувчиси Даврон Холматов томонидан хавфнинг олди олиниб, ичкарида газ плитаси ёқиғ, лекин кўча эшиги қулфланиб қолган хонадон эгаларига махсус кенгайтирувчи асбоб орқали эшик очиб берилди ва ёнғиннинг олди олинди.

● Шайхонтоҳур тумани Боғ кўчаси, 13-уй 48-, Чилонзор тумани 16-даҳа, 24-уй, 158-хонадонларнинг ҳам ичкарида электр жиҳози ёқиғ қолиб, кўча эшиги беркилиб қолган. Уларга Ҳусан Бобонов бошчилигида "Қутқарув хизмати" қутқарувчиси Ғулом Абдураҳимов томонидан ёрдам берилди. Гўё оддий ҳолга ўхшаб кўринадиган "эшикнинг қулфланиб қолиши" ва "Қутқарув хизмати" қутқарувчилари томонидан махсус асбоблар билан хонадон эшигини очиб, мушкулини осон қилганликлари, ўша хонадон аҳли учун қанчалик қувонч эканлигини фақат шундай ҳолга тушганлар ҳис қилса керак.

●Пойтахтликларга "Қутқарув хизмати" қутқарувчилари жорий ойнинг биринчи ўн кунлигида 12 та (2006 йил бошидан буён 36 та) хонадондаги қариялар ва ногирон инсонларнинг мушкулини осон қилиб, тиббий ёрдам кўрсатдилар. Газ плиталари, электр жиҳозлари ёқиғ қолиб, ёнғин содир бўлиши мумкин бўлган хонадонларнинг соҳибларига ёрдам кўрсатиб, 31 та (2006 йил бошидан буён 131 та) ёнғин содир бўлиши мумкин бўлган ҳодисаларнинг олди олинди.

Газ плиталари ёки электр жиҳозлари ёқиғ, лекин кўча эшиклари берк бўлган хонадонларда ёш болалар катталарнинг назоратисиз қолганда, биринчи ўн кунликда 15 та (2006 йил бошидан буён 40 та) хонадондаги болаларни хавфдан қутқариб, ота-оналарига соғ-саломат топширдилар.

● Мирзо Улуғбек тумани ТТЗ-4 даҳа, 40-уйнинг 22-хонадонида кекса эркакнинг жасади борлиги ҳақида ҳудуд профилактика инспектори лейтенант Ўткир Маҳкамовдан хабар тушди. Бошқарма офицери лейтенант Азизжон Жалилов бошчилигидаги "Қутқарув хизмати» қутқарувчиси Баҳодир Исоқов томонидан хонадон эшиги очиб берилиб, жасад Мирзо Улуғбек туман ички ишлар бошқармаси тезкор-тергов гуруҳига топширилди.

● Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармасининг тезкор навбатчи қисмига Чилонзор тумани 13-даҳа, 43-уй, 54-хонадон эшиги қулфланиб, ичкарида ёш бола қолиб кетганлиги ҳақида фуқаро Сергеевадан хабар тушди. Катта лейтенант Мурод Жўрабоев бошчилигида "Қутқарув хизмати" қутқарувчиси томонидан махсус кенгайтирувчи асбоб орқали хонадон эшиги очиб берилди ва бола ота-онасига соғ-саломат топширилди.

● Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармасининг навбатчи-диспетчерига Ҳамза тумани Риёзий кўчаси, 3-а уй, 49-хонадон эшиги қулфланиб ичкарида ногирон, кекса онаси қолиб кетганлиги ҳақидаги фуқаро Абдураҳмонованинг мурожаатига кўра, катта лейтенант Бахтиёр Режепов бошчилигида "Қутқарув хизмати" қутқарувчиси Ботир Нуртаев томонидан махсус кенгайтирувчи асбоб орқали хонадон эшиги очиб берилиб, онахонга биринчи тез тиббий ёрдам кўрсатилди.

Хусния ТОЖИБОЕВА, Бошқарма матбуот хизмати ходими

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Буюртма Г-506

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 5218 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари буйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 6